



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 9 май, № 90 (6020)

Жума

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## МУАЗЗАМ, МУНАВВАР, МЎЎТАБАР

Хотира майдони бизга ана шундай эзгу сўзлар ҳикматини англатади.

Инсон қадри улуғланган юртимизда ҳар бир киши азиз ва мўътабардир. Бугунги фаровон турмуш, хонадонлардаги файзу тароват, осойишталикнинг ўзи ҳам бебаҳо иноят. Негаки, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик деб аталмиш бекиёс неъмат туфайли буюк ўзгариш ва янгиланишларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда эъзоз замирида нафақат уларга ғамхўрлик қилиш, балки осуда ҳаётимизни қадрлашга ундашдек эзгу мақсад ҳам муҳассам. Шу мунаввар кунларда пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган муаззам Хотира майдонида ташриф буюрсангиз, бунга яққол амин бўласиз. Чунки бу ерга ошиққан ёши улуг отахону онахонлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар бир-бирларини қутлуг айём — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан муборакбод этиб, диллаш-моқдалар, ўтганларни ёдга олмақдалар.



Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур байрам шу азиз ва жонажон Ватанимизга хизмат қилганлар шарафига бўлган чуқур эҳтиром рамзидир, албатта.

Бундай улугвор тантана туфайли уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларнинг узогини яқин, огири-

ни энгил қилишга қаратилган савобли юмушлар фарзандларимиз кўз ўнгига амалга оширилаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, давраларни тўлдириб ўтирган нурунийларимизнинг суронли йиллар ҳақидаги ҳикоялари ёшларни бефарқ қолдирмайди, аксинча, улар бугунги дориламон

ҳаёт, тинчлик-осудаликнинг бебаҳо неъмат эканлигини янада чуқурроқ англаб етишди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англаш, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу

ҳаяжонли ва изтиробли сана ёш авлод қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, қадди дол "Мотамсаро она" ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал эзгу та-

рихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру зулмларни, қиргин-қатагонларни бошидан кечирган, айна пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-хуқуқлари учун тинимсиз курашган она-Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир.

(Давоми 2-бетда).

### ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Фаргона вилоятининг шаҳар ва туманларида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма уч йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

### ТУМАН ЁШЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ — «ISUZU» АВТОБУСИ ТОПШИРИЛДИ

Бағдод туманида ташкил этилган шундай тадбирда "Қамолот" етакчилари ва фаоллари, ўқувчи ва талабалар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ёшлар қатнашди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Фестиваль доирасида ўтказилган "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Депутат ва ёшлар" каби лойиҳаларда депутатлар, олимлар, адиблар, санъаткорлар, спорт усталари ёшлар билан мулоқотда бўлди. Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йўли, барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ёшларга оид давлат сиёсати, шунингдек, "оммавий маданият"нинг асл мақсад-моҳияти ва унинг миллий маънавиятимизга салбий таъсири ҳақида фикр алмишилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамоат ташкилотларининг фаолигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бағдод тумани кенгаши раиси М. Юсупов. — Концепциянинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш уларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Фестивалда Ватан, тинчлик ва ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бағдод тумани кенгашига Президентимиз совфаси — "Isuzu" автобуси топширилди. Тадбирда Фаргона вилояти ҳокими Ш. Фаниев сўзга чиқди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

## Меҳр ва эъзоз оғушида

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами ҳамда 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллигини муносиб нишонлаш борасида вазирликлар, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан қатор тадбирлар ташкил этилаётир.

### ҒАМХЎРЛИК

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан уруш ногиронлари ва қатнашчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Фармонида мувофиқ, республикамизнинг барча ҳудудларида байрам тадбирлари ўтказилиб, уруш ногиронлари ва қатнашчиларига хурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

— дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Баҳодир Шаропов. — Чунончи, вазирлик тизимидаги 54 та тиббий-ижтимоий муассасада ҳомий ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан уруш қатнашчилари, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга 400 млн. сўмга яқин ҳомийлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, Хотир

ра ва қадрлаш кунини арафасида 600 нафарга яқин ёлғиз кексалар, ногиронлар ва уруш қатнашчиларининг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Ушбу мақсадларга 313,3 млн. сўмга яқин ҳомийлик маблағлари жалб этилди. Вазирлик тизимидаги санаторийларда жами 7 мингдан зиёд меҳнат фахрийлари ва ногиронлар бепул соғломлаштирилди. Жорий йил давомида минг нафарга яқин уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларни ана шу санаторийларда соғломлаштириш режалаштирилган.

Зиёда АШУРОВА.

(Давоми 3-бетда).

## Қишлоқ хўжалигининг таянч кучи

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, балки уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали ютуқларга эришмоқдалар.

### ТАДБИР

Соҳа вакилларининг фаолияти, айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил

қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Чунки ай-

нан ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилиб, қишлоқ мулкдорларига бир қатор энгиллик ва имтиёзлар берилди. Айна пайтда республикамизда 13 та ҳудудий, 156 та туман кенгаши фаолият юритаётган бўлса, уларнинг бошқаруви таркибига 1736 нафар илғор ҳамда тажрибали фермер киритилган.

(Давоми 3-бетда).

### БИЗ ВА ЖАҲОН



#### Эдгар Клозе:

Самарқандда ўтадиган халқаро конференция — ўзбек халқи тарихий мероси тикланишига нисбатан қаратилаётган алоҳида эътиборнинг тасдиғидир

Бир неча кундан кейин Самарқандда "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтади. Илмий ҳамжамият учун жуда муҳим бўлган ушбу воқеа муносабати билан Бранденбург Технологиялар ва инновациялар институтининг директори, профессор Эдгар Клозе "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мазкур халқаро конференцияда қатнаш мен учун катта шарафдир. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу илмий анжуманининг бутун дунёга машҳур шаҳарда, ҳақли равишда "абдий барҳаёт шаҳар" деган номга сазовор бўлган, жаҳон аҳли ўртасида "Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд" дея эътироф этилаётган Самарқандда ўтказилишида катта маъно бор. Чунки ушбу шаҳар, ҳақиқатан ҳам, жаҳон цивилизациясининг кўҳна ўчоқларидан бири ҳисобланади. Самарқандда ўтказилажак мазкур тадбир Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг тарихий, маданий ва илмий меросини тиклашга қаратилаётган алоҳида эътибордан далолат беради. Ўзбек заминида яша-

ган, ижод этган кўпгина олим ва мутафаккирларнинг номлари ҳамда улар ёзиб қолдирган ишлардан хабардорман. Шубҳа йўқки, уларнинг ноёб илмий ва маънавий мероси бутун инсониятнинг мулки ҳисобланади. Ана шу алломаларнинг ишлари муайян вақт ўтганидан сўнг Европада ҳам илмий, маданий ва маънавий тараққиётнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган.

Жумладан, улуг олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг бебаҳо кашфиётлари жаҳон илм-фани тараққиётига жуда катта таъсирини кўрсатган. Уйлайманки, унинг тадқиқотлари натижаларисиз таниқли немис астрономи ва математиги Иоганн Кеплернинг бизгача етиб келган илмий кашфиёти бу қадар мукаммал бўлмас эди.

(Давоми 2-бетда).

### Ҳиндистонлик олимлар Самарқанд анжумани ҳақида

Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Жамия Миллия Исломия университети илм-фан намояндalari ҳам шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этади. "Жаҳон" АА мухбири билан суҳбатда улар мазкур форум ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

— Бундай муҳим конференция Жанубий ва Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилаётгани, шубҳасиз, қувонарли ҳолдир, — дейди Жамия Миллия Исломия университети Халқаро тадқиқотлар академияси доценти Шаҳид Таслим. — Айна пайтда дунё олимларининг

бир жойга тўпланиб, Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси ҳақида илмий суҳбат қуришлари нафақат ўзбекистонликлар учун, балки ушбу йўналишда изланиш олиб бораётган бошқа мамлакат тадқиқотчилари учун ҳам аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар ҳажми

11,8 фоиз ўсди.

Жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури доирасида аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.



Киска

сатрларда

Ургут тиббиёт колледжидики "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилган "Маънавият оиладан бошланади" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда оилавий тадбиркорлик, миллий хуна...

Андижонда фаришларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Озод юртнинг обод гўшалари" деб номланган тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорлигида "Но...

Навоий шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган "Онкологиянинг долзарб масалалари" мавзусидаги анжуман доирасида етакчи олимлар, юқори ма...

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Қишлоқ хўжалигининг таянч кучи

(Давоми. Бошланғич 1-бтда).

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташаббуси билан "Ўзагроماشли-зинг" компанияси, "Ўзагроماشсервис" уюшмаси ҳамда "Агро-банк" очик акциядорлик тижорат банки мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Фармонда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда фермер хўжалиklarининг роли ва аҳамиятини ошириш буйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Натижада ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбарининг битта, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори қабул қилинди. 12 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга, шу жумладан,

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Энг муҳими, бу билан фермер хўжалиklари олдида турган муаммоларни ҳал этувчи, уларга дунё тажрибаларини ўрганишлари учун кенг имконият яратувчи, зарурат туғилганда, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам тузилма яратилди. Бунинг самараси ўлароқ эса, ўтган йили республикаимизда 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, жумладан, деҳқончиликда 6,4 фоиз, чорвачиликда 7,4 фоиз ўсишга эришилди.

Фермерлар фаолиятига илғор инновацион технологияларнинг жалб этилиши, ўз навбатида, уларга маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, қайта ишлаш

фаолиятини ҳам изчил йўлга қўйиш имконини бераётир. Бу ташаббуслари билан эса қишлоққа саноатни олиб киришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бугун юртимизда 28 мингта кўп тармоқли фермер хўжалиги томонидан тақлиф этилаётган гўшт ва сут, макарон ҳамда ун маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари ўзининг юқори сифати, ташқи кўриниши, шунингдек, бежирим қадқланиши жиҳатидан рақобатга кириша олгани ана шундан далолат беради.

Буларнинг бари фермерларни аграр тармоқ таянчига айлантиришдек эзгу мақсадларга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасидир, албатта.

Дилшоҳ УЛУҒМУРОДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ижодий мулоқот

Тошкент вилоятида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Кино ва ёшлар" республика форуми ниҳоясига етди.

ФОРУМ

Унда киноижодкорлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаоллари, талабалар, "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошидаги Бадий кенгаш аъзолари қатнашди.

Тўрт кун давом этган форумда иштирокчилар "Бадий кино, кинотехнология, кино танқидчилик ва продюсерлик ҳолати, истиқболлари", "Замонавий ҳужжат-кино", "Адабий сценарий — кино санъ-

ати асоси", "Кинодебют — дастлабки қадам, қисқа метражли кино", "Хусусий кино: ижод, имконият, истиқбол" ҳамда "Замонавий болалар киноси" йўналишларида маърузалар тинглашди, баҳс-мунозаралар юритилди.

Яқунда "Кино ва ёшлар" республика форумининг эксперт гуруҳи аъзолари томонидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«АСАКА» банки (ОАЖ)

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:



«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ҳамда хорижий валюталарда қулай шартларда 90 турдаги омонат турларини тақлиф этади. Ушбу омонат турларини банкининг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки филиаллари телефонлари: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with columns: Филиаллар, Код, Телефон. Lists branches and contact info for ASAKA BANK.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз: Хизматлар лицензияланган.

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
миқдори чекланмаган.

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этади.

Миллий валютада:

Table with columns: «Янгилик», «Фойда», «Файзли», «Даромадли», «Талаба». Lists benefits of domestic currency deposits.

Хорижий валютада:

Table with columns: «Финанс», «Капитал», «Фортуна». Lists benefits of foreign currency deposits.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар буйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

Table with columns: «Кулай тўлов», «Тежамкор», «Коммунал». Lists benefits of special deposits for utilities.

Ушбу омонат турларига банкининг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

Table with columns: Branch name, Phone numbers. Lists branches and contact info for Qishloq Qurilish Bank.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатингиз:
солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 17 июнь кунини соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиш бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Юнусобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Миробод тумани судининг 2013 йил 11 мартдаги 1-26-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-қават, 31-уй, 38-хондонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 31,81 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 50 080 000 сўм.
2. Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 21 апрелдаги 10-1314/7989-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 2-вагон тор кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 333 кв.м., қурилиш ости майдони 196 кв.м. бўлган оқсарой ва ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.
3. 2014 йил 3 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақридан кўйилмоқда:
1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 ноябрдаги 11-1306/8829-сонли ижро варақасига асосан хатланган:
1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 451 кв.м., қурилиш ости майдони 308,56 кв.м. бўлган маъмурий бино ва қоровулхона.
Бошланғич баҳоси — 220 000 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1221 кв.м., қурилиш ости майдони 997,31 кв.м. бўлган оқсарой ва ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич баҳоси — 480 000 000 сўм.
3. Чилонзор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари буйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 6 январдаги 1-5241/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 106-уй, 2-хондонда жойлашган, умумий майдони 36 кв.м. бўлган дўкон.
Бошланғич баҳоси — 85 000 000 сўм.
Юқоридagi кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

